



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I**

2022-yil 11 - fevral 49 -son

Toshkent sh.

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 26 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарори ижроси тўғрисида”ги 448-сонли буйруғининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон қарори билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Режа-графикнинг “Таълим, фан ва маданият” блокада назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги махсус ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (Р. Хакимов) зиммасига:

Режа-графикда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ишларини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупцион нормаларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

махсус ишчи гуруҳ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида заруриятга кўра таркибга кўшимча мутахассисларни жалб этиш;

соҳага тааллуқли айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича кенг жамоатчилик фикрини олиш мақсадида вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш;

амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ярим йилликда Вазирлик аппарат йиғилишига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Белгилансинки:

Ишчи гуруҳ ҳар чоракда камида бир маротаба йиғилган ҳолда олий, ўрта махсус ва профессионал таълимнинг муайян институтлари бўйича хронологик кетма-кетликда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнини амалга оширади;

экспертиза яқунларига кўра Вазирлик раҳбариятига мавзули маълумотномалар киритилади;

маълумотномалар ва тайёр бўлган ишланмалар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилади.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Р. Ҳакимов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Тошқулов



Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус
таълим вазирининг
2022 йил “11” февралдаги
49 - сонли буйруғига
илова

**“Таълим, фан ва маданият” блоки бўйича норматив ҳуқуқий
ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш
бўйича ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш.		Лавозими
1.	Р.Ҳақимов	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, <i>Ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2.	А.Ҳолиқов	-	Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, <i>Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3.	Ф.Файзиев	-	Юридик бўлим бошлиғи, <i>Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
4.	А.Тошпулатов	-	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
5.	М.Ҳамраев	-	Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи
6.	Н.Раҳмонов	-	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи
7.	Х.Абдурахмонов	-	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи
8.	Ў.Алижонов	-	Касб-хунар таълимини ўқув-методик мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи
9.	З.Худайбердиев	-	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори
10.	Ш.Масадиков	-	Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” кафедраси мудири, доцент
11.	Ғ.Эрматов	-	Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси доценти
12.	В.Топилдиев	-	Ўзбекистон Миллий университети Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи
13.	Ш.Шарипов	-	“Profi lawyers group” адвокатлик бюроси раҳбари
14.	Д.Абдукодиров	-	Kun.uz тахририяти бош муҳаррири, ҳуқуқшунос
15.	Б.Ахмаджонов	-	Юридик бўлим бош юрисконсулти, <i>Ишчи гуруҳ котиби</i>